

Ishonch

2019 йил 28 сентябрь • шанба • № 118 (4247)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кун

Сизга шараф, сизга шон – азиз устозлар!

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 23-болалар мусиқа ва санъат мактабида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб «Сизга шараф, сизга шон – азиз устозлар!» номли тадбир ўтказилди.



Концерт дастурида мактабнинг рақс, ўзбек халқ чолғулари, эстрада, театр, анъанавий хонандлик, ғижжак, скрипка, гитара, зарбли чолғулар ва фортепьяно бўлими ўқувчилари ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этди.

Тадбир доирасида ёшлар ижодига мансуб тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

ЎА фотомухбири Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган суратлар



КУН НАФАСИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовни Мустақиллик кун

шаҳрида АҚШнинг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Халилзод билан учрашди.

president.uz

mfa.uz

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўмитанинг бешинчи мажлиси якунларига кўра эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Туркия ишбилармон доиралари вакиллари делегацияси раҳбари, «MUSAID» мустақил саноатчилар ва тадбиркорлар уюшмаси президенти Абдурахмон Каан бошчилигидаги делегация мамлакатимизга келди.

uz.uz

Нью-Йорк шаҳрида Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) вакиллари билан учрашди.

Испаниянинг Барселона шаҳрида Европа халқаро экология конгресси ўз ишини бошлади. Унда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

lex.uz

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

senat.uz

Нью-Йорк шаҳрида Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Нью-Йорк бўлими вакили Мэтт Коган ва ХМТ Бюросининг МДХ мамлакатлари бўйича директори Ольга Кулаева билан учрашди.

Иновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдураҳмонов Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё молия рақобатбардошлик ва инновациялар бўйича глобал амалиёти раҳбари Мариа-лиза Мотта бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

mininnovation.uz

Абдурашид Жўрабоев Президентнинг Ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчисининг ўринбосари лавозимига тайинланди.

27 сентябрь кун «Сиань – Тошкент – Сиань» йўналиши бўйича илк чартер рейс амалга оширилди.

uz.uz

Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи оқизлар жамияти ва Ўзбекистон карлар жамияти ўртасида келишувлар имзоланди.

Жорий йилнинг 2-4 октябрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Tashkent Book Fest» I Тошкент халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.

uz.uz

БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска икки кунлик сафар билан Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик» кўшма лойиҳаси доирасида «Ўзбекистонда электрон судлов: бугунги ҳолати ва 2025 йилга қадар ривожлантириш истиқболлари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

uz.uz

Европа инвестиция банки (ЕИБ) Ўзбекистон ҳукмати билан Орол денгизини сақлаб қолишга қаратилган 100 миллион евролик инвестиция дастурини амалга ошириш йўлида биринчи қадамни қўйди.

Тошкентдаги Халқаро бизнес-марказида «ICTWEEK Uzbekistan – 2019» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида «Ахборот технологиялари ва ШХТнинг инновацион ривожланиши» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

uz.uz

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Нью-Йорк

Улуғ мерос

Кун билан тун, иссиқ билан совуқ, яхши билан ёмоннинг алмашиб туриши ҳаётнинг азалии қонунидир. Аммо инсониятнинг бахти шундаки, жамият табиатнинг бу темир қонунлари асосида яшамайди.

Адиб абадияти

1937 йилга қадар ижод наҳидаси билан яшаган Абдулла Қодирийнинг ўша йилги қамоққа олиниши билан адиб манглайига «халқ душмани», «миллатчи» ва «аксинилқобчи» деган тамғалар босилди. Сталиннинг оламшумул жиноятлари фож этилган 1956 йилга қадар бу мудҳиш тамғалар олиб ташланмади. Ўзбекистон зиёлиларининг шу йилги бўлиб ўтган курултойида улуғ адибнинг оқлангани ҳақидаги хушxabар эълон қилинган кундан шу вақтгача бўлган муддатда унинг Инсон ва Адиб сифатидаги обрў-эътибори ва шўхрати ошса ошдики, асло камаймади. Абдулла Қодирий бошига тушган булутли кунларнинг энди ҳеч қачон қайтмаслиги аниқ. Унинг адиб сифатидаги шўхрати ва ижодининг оламшумул бадиий қиммати эса охишда давом этади. Бунинг сири нимада?



Нобелга даъвогар жажжи ўзбек кимёгарлари

8 ёшли Зафаржон ва 6 ёшли Зебохон халқаро Нобель мукофоти совриндорларига маъруза ўқийди

Жорий йилнинг 2-5 октябрь кунлари Россиянинг Тамбов вилоятида Нобель мукофоти лауреатларининг 12-халқаро учрашув конференцияси ҳамда халқаро фан ва технология бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда Альфред Нобелнинг оила аъзолари, халқаро Нобель мукофотида сазовор бўлган европалик ва америкалик олимлар катнашди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу нуфузли конференцияга пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 210-умумтаълим мактаби ўқувчилари бўлган 8 ёшли Зафаржон Кўчқоров ва унинг 6 ёшли синглиси Зебохон Кўчқорова ҳам таклиф этилган.

Нега дейсизми? Улар ноёб иқтидорга эга. Зафаржон Д.Менделеевнинг кимёвий элементлар жадалини уч дақиқада ёзиб бера олади. Зебохон эса 172 нафар Нобель мукофоти совриндорларининг қилган кашфиётларини рус тилида ҳеч қийналмай номма-ном айта беради.

Шу йилнинг апрель ойида Халқаро Нобель ахборот маркази раҳбари, академик Вячеслав Тютюнник Тошкент шаҳрига келганида



Зафаржон ва Зебохон билан суҳбатлашиб, уларнинг кимё фанидан билимларини синовдан ўтказган эди, – дейди ёш олимларнинг отаси, «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти мутахассиси Одил Кўчимов. – Фарзандларимнинг иқтидори юқори баҳоланиб, ушбу нуфузли халқаро анжуманга таклиф этилди. Уларнинг ютуғидан беҳад манмулман.

Ёш нобелчиларнинг бу ютуғи барча юртдошларимизни шодлантириши тайин. «Ўзбекнефтгаз» АЖ жамоаси уларнинг бундай ютуққа

эришганини муносиб рағбатлантирди. Яқинда акциядорлик жамияти иқтидорли фарзандларни камолга етказган Одил Кўчимов ва унинг турмуш ўртоғига 48 миллион сўмлик сертификат топширди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Уларга Нефтьгаз ва геология ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши бюджети ҳисобидан 10 миллион сўм миқдорига ёрдам ажратилди.

Аъзам АБУЛҲАЙДОВ, «ISHONCH»

Ҳаётбахш ислоҳотлар йўлида

Мажбурий меҳнатсиз мавсум

ҳақиқатдан шундайми ёки...?

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат батамом тугатилганини эълон қилгандан буён ўтган йиллар мобайнида барча соҳаларда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга тўлиқ барҳам бериш мақсадида қатор ҳуқуқий ҳамда амалий чора-тадбирлар кўрилди. Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди, ушбу ташкилотнинг бир қанча асосий конвенциялари ратификация қилинди. ХМТ экспертлари иштирокида қишлоқ хўжалигида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш юзасидан мониторинг ўтказилди.

Кўрилган чора-тадбирлар ва кузатишлар болалар меҳнатига тўлиқ барҳам бериш, шунингдек,

мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаклик учун етарли меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш имконини берди. Буни жаҳон ҳамжамияти, ХМТ, Жаҳон банки ва Европарламент юқори баҳолади.

Аммо, афсуски, айрим ҳокимлар ва ман-

сбдор шахслар томонидан таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигида ишларга мажбурий жалб этиш, меҳнат қонунчилигини бузиш, хизмат мавқеини суистеъмол қилиш, ходимларга дўқ-пўписа қи-

лиш каби ҳолатлар ҳамон кузатилмоқда.

Ваҳоланки, амалдаги қонунларда ходимларни мажбурий меҳнатга жалб этган шахсларга нисбатан жавобгарлик, жазо чоралари аниқ белгилаб қўйилган.

Ҳаётбахш ислохотлар йўлида

41
Айтиш мумкинки, бугун юртимизда болалар меҳнатига барҳам берилди, мажбурий меҳнатни йўқ қилишга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинди. Натижада кўп нарса ўзгарди. Масалан, кўлда терилган бир килограмм пахта учун 2016 йилда 260 сўм тўланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 800 сўмни ташкил этмоқда. Меҳнатга тўланадиган ҳақнинг сезиларли даражада оширилиши, **биринчидан**, мажбурий меҳнатнинг олдини олишда муҳим асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган бўлса, **иккинчидан**, мавсум асноси теримчиларнинг кўшини республикаларга чиқиб кетишига чек қўйилди.

Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва унинг туман, шаҳар кенгашлари жойларда пахта терими мавсуми олдиндан мажбурий меҳнатга оид қонунчилик, халқаро конвенциялар ва меҳнат стандартларининг мазмун-моҳияти ҳақида кенг тарғибот ишларини амалга оширди. Ўтказилган 300 дан ортиқ учрашув ва давра суҳбатларида 5000 нафардан зиёд иштирокчиларга атрофлича тушунчалар берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши билан тузилган келишувга мувофиқ, ҳар ҳафтада ўқув-машғулоти ташкил этилмоқда. Шу кунгача қарийб 420 нафар тингловчи ўқитилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2019 йил 9 сентябрдаги «2019 йилги пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароитлар яратиб берилиши, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини ташкил қилиш тўғриси-

да»ги қарорига асосан ҳудудларда мониторинг ўтказилиб, бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мавсум давомида асосан 3 та муҳим йўналишга эътибор қаратилди.

Биринчиси, теримчилар учун яратилган шарт-шароитлар, жумладан, тоза ичимлик суви таъминоти, овқатланиш жойи, ҳожатхона, ювиниш хонаси талаб даражасида бўлиши, меҳнатга ҳақ тўла-

ўтказиш ҳамда амалга ошириладиган ишлар юзасидан кунлик маълумотлар бериб борилишини таъминлаш;

Учинчидан эса пахта мавсумида касаба уюшмалари Федерацияси ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларидаги **юридик клиника** ҳамда **қайта алоқа механизми** фаолиятининг тун-у кун узлуksиз режимида ишлаши йўлга қўйилди.

Барча ҳудудларда фермер хўжалиги

ташкил этилди. Отрядларга обрў-эътиборли шахсларни таллаб олиш, уларга бюджет ҳисобидан 2 миллион сўмдан иш ҳақи бериш, отрядларда теримчиларнинг сони 50-70 нафардан ошмаслигига алоҳида эътибор қаратилмаптир.

Бундан ташқари, шу йил 24 сентябрь кунини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Халқаро меҳнат ташкилотининг «Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини бажаришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида «2019 йил пахта йиғим-терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича Миллий мониторингнинг ўтказишга оид услубиёт ва ташкилий-техник шароитлар» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида ХМТ ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлиги ҳақида тўхталиб, охириги икки йил ичида терим пуллари-нинг сезиларли даражада оширилиши, Ўзбекистонда маҳаллий ҳуқуқ ҳимоячилари фаолиятга руҳсат берилиши ижобий натижалар бераётганлигини алоҳида таъкидлашди. Бундан ташқари, миллий мониторингга иштирок этиш учун бу йил чет эл касаба уюшмалари ташкилотлари вакилларининг тақлиф қилингани ва Федерация тизимидаги «Қайта алоқа механизми» фаолияти намунали йўлга қўйилгани ижобий баҳоланди.

Бир сўз билан айтганда, хорижий экспертлар пахта мавсуми вақтида мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслик ҳолатига юқори баҳо беришди.



Алишон АБДУРАХМОНОВ, «Ishonch»

Касаба уюшмаси аралашгач...

— ҲТ ЭННЕУРОВА ЭҶОЖЕМ НАЗИБАДЕЖИМ

яшаш жойига почта орқали жўнатиш: фақат унинг рожаси билан амалга оширилади.

Корхона маъмурияти ушбу низом талабларига ҳам риоя қилмаган. Натижада Х.Тошпўлатов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақидаги буйруқ ва унга тегишли бўлган меҳнат дафтарчаси топширилмасдан қолиб кетган.

Баён этилган қонунбузилиш ҳолатларига асосан Меҳнат кодексининг 9-, 100-, 101-, 102-, 109-, 111-, 112-, 275-моддалари ҳамда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-, ва 12-моддасига асосан «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компаниясининг 123-сонли буйруғини бекор қилиб, Х.Тошпўлатовни ўз лавозимига ишга тиклаш ҳамда ишга тиклангунга қадар мажбурий бекор юрган даври учун ўртача ойлик иш ҳақи тўлаш масаласида Фарғона туманлараро судига даъво арзиза киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан буйруқ бекор қилиниб, ходим ўз лавозимига ишга тикланди. Шу билан бирга, мажбурий проғул кунлари учун 6 миллион 984 минг 531 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Орагул ҚОЗИХОНОВА, Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими бошлиғи

Мажбурий меҳнатсиз мавсум ҳақиқатан шундайми ёки...?

ниши каби масалалар юзасидан **жамоатчилик назоратини** амалга ошириш; **Иккинчиси**, йиғим-терим мавсумида теримчилар учун зарур шарт-ша-

раҳбери ва ходим ўртасида меҳнат шартномаси тузилишини таъминлаш, ҳар бир ишчи-ходим учун меҳнат дафтарчаси юритилишини назорат қилиш, теримда иштирок этиш орқали кўшимча даромад олишни мақсад қилганлар учун имконият яратиш, пахта йиғим-теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг теримда иштирок этишига қатъиян йўл қўймаслик юзасидан таъсирчан назорат ўрнатилмоқда.

Жорий йилги пахта йиғим-терим мавсумини уюшқоқлик билан тартибли ўтказишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳудудларда уюшмаган аҳолидан иборат терим отрядлари ташкил этилди. Отрядларга обрў-эътиборли шахсларни таллаб олиш, уларга бюджет ҳисобидан 2 млн. сўмдан иш ҳақи бериш, отрядларда теримчиларнинг сони 50-70 нафардан ошмаслигига алоҳида эътибор қаратилмаптир.

роитларни яратиш, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан нодовлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирокида **Миллий мониторинг**

Жорий йилги пахта йиғим-терим мавсумини уюшқоқлик билан тартибли ўтказишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳудудларда уюшмаган аҳолидан иборат терим отрядлари

Интерактив мулоқот

Бўстонлиқ туманида жойлашган «Ёшлар оромгоҳи»да Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси ташаббуси билан «Меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат қонунчилиги соҳасига оид муаммолар ва уларнинг ечимини» мавзусида ва «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланган ўқув-семинар ҳамда «Спорт саломатлик гарови» шиори остида спорт тадбири ўтказилди.

Унда агрисаноат тизимида қарашли Тошкент шаҳрида жойлашган вазирликлар, корхона ва ташкилотларнинг 55 нафар бошланғич касаба уюшма кўламли раислари ва фаоллари иштирок этди.

Ўқув-семинар интерактив тарзда бўлиб, тингловчиларнинг фикр-мулоҳазалари

тингланди. Шахмат, шашка, стол тенниси, бадминтон ва дартс бўйича ўтказилган мусобақаларда барча иштирок этди.

Тадбир якунида ғолиблар фахрий ёриқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ, «ISHONCH»

Навоий вилояти | Ижтимоий кўмак

Фаоллар рағбатлантирилди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2017 йил 30 октябрдаги «Олий таълим муассасаларида таҳсил оладиган фаол ёшларга Касаба уюшмалари стипендиясини таъсис этиш ва санаторийларга бепул йўлланмалар ажратиш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги раёсат қарори ижросини таъминлаш мақсадида Навоий вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жорий йилда Навоий давлат педагогика институтини талабаси Мирсаид Жалиловнинг контракт тўлови маблағини тўлаб берди.

Бундан ташқари, Навоий давлат педагогика институтини талабаси Розиддин Ақобировга саломатлигини тиклаш учун бепул йўлланма ажратилди.


Ёш оилаларга бепул йўлланма

Жорий йилнинг 8 ойи давомида ижтимоий сўғурта бюджети маблағлари ҳисобидан Навоий вилоятидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимлардан 831 нафари санаторийларда соғломлаштирилиб, ушбу мақсадлар учун 1 223 536.0 минг сўм маблағ сарфланди. Ходимларнинг 37 нафарига бепул йўлланмалар ажратилди.

Бепул берилган йўлланмаларнинг 7 таси кам таъминланган, кўп болали ҳамда олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшовчи оилаларнинг ёшларига, 5 таси тиббиёт ходимларига, 7 таси таълим тизими ходимларига, 5 таси фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг ишлайдиган аъзоларига ҳамда 13 таси ишловчи кексаларга берилди, — дейди бирлашманинг Ижтимоий сўғурта

бўлими мудирини З. Мислимов. — Қолаверса, фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг 2 нафар ишлайдиган аъзосига ҳамда кам таъминланган оилаларнинг 2 нафар аъзосига «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланма берилди.

Дилафрўз ЎРОВОВА, Навоий вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Фарғона вилояти

Фуқаро Холмурод Тошпўлатов Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилиб, асосий равишда ишдан бўшатилганини маълум қилди.

Бекор қилинган буйруқ

Унинг мурожаати ўрганилганда, «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компаниясининг 2018 йил 16 октябрдаги 123-сонли буйруғига қўра, Х.Тошпўлатов билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан бекор қилингани маълум бўлди.

Бирлашма мутахассислари ўрганиш жараёнида ушбу буйруқ Меҳнат кодексининг 108-моддасига зид равишда чиқарилганини аниқлади. Қонунчиликка қўра, иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шартлиги белгиланган бўлса-да, буйруқ ва меҳнат дафтарчаси Х.Тошпўлатовга берилмаган.

Бундан ташқари, «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компаниясининг 2018-2021 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 27-бандида меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор

қилинганда касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олган ҳолда амалга оширилиши белгиланган. Бирок Х.Тошпўлатов билан меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшмасининг розилиги олинмаган. Бу эса Меҳнат кодексининг 101-моддасига зиддир.

Шунингдек, Адлия вазирлигида 1998 йил 29 январда рўйхатга олинган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги 402-сонли йўриқноманинг 3-қисм 3.1-бандида «Иш берувчи айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланиб, ишдан бўшаш кунини меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланиши» белгиланган. Ушбу йўриқноманинг 3.3 бандига қўра, Меҳнат шартномаси бекор қилинган кунини ҳодим ишда бўлмаган тақдирда, иш берувчи ўша куниниёқ унга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида огоҳлантирувчи хабарнома жўнатади. Ходимнинг меҳнат дафтарчасини

қилинганда касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олган ҳолда амалга оширилиши белгиланган. Бирок Х.Тошпўлатов билан меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшмасининг розилиги олинмаган. Бу эса Меҳнат кодексининг 101-моддасига зиддир.

Шунингдек, Адлия вазирлигида 1998 йил 29 январда рўйхатга олинган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги 402-сонли йўриқноманинг 3-қисм 3.1-бандида «Иш берувчи айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланиб, ишдан бўшаш кунини меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланиши» белгиланган. Ушбу йўриқноманинг 3.3 бандига қўра, Меҳнат шартномаси бекор қилинган кунини ҳодим ишда бўлмаган тақдирда, иш берувчи ўша куниниёқ унга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида огоҳлантирувчи хабарнома жўнатади. Ходимнинг меҳнат дафтарчасини


яшаш жойига почта орқали жўнатиш: фақат унинг рожаси билан амалга оширилади.

Корхона маъмурияти ушбу низом талабларига ҳам риоя қилмаган. Натижада Х.Тошпўлатов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақидаги буйруқ ва унга тегишли бўлган меҳнат дафтарчаси топширилмасдан қолиб кетган.

Баён этилган қонунбузилиш ҳолатларига асосан Меҳнат кодексининг 9-, 100-, 101-, 102-, 109-, 111-, 112-, 275-моддалари ҳамда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-, ва 12-моддасига асосан «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компаниясининг 123-сонли буйруғини бекор қилиб, Х.Тошпўлатовни ўз лавозимига ишга тиклаш ҳамда ишга тиклангунга қадар мажбурий бекор юрган даври учун ўртача ойлик иш ҳақи тўлаш масаласида Фарғона туманлараро судига даъво арзиза киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан буйруқ бекор қилиниб, ходим ўз лавозимига ишга тикланди. Шу билан бирга, мажбурий проғул кунлари учун 6 миллион 984 минг 531 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Орагул ҚОЗИХОНОВА, Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими бошлиғи



Самарқанд вилояти



Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни четлаб ўтиш мумкинми? Самарқанд вилоятда фаолият юритаётган 1232 та корхонада ўтказилган мониторингга ана шу масалага ойдинлик киритилди. Таъкидлаш ўринлики, аксар иш берувчилар меҳнатга муносиб шароит яратилиши тарафдори.

— Меҳнат соҳасидаги ўрнатилган тартибдан амалиётда самарали фойдаланиш шарт, — дейди «TEZKOR EKO» МЧЖ раҳбари Зоҳид Янгибоев. — Қонунлар доирасида иш юритмаслик, хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслигининг оқибати кўнгилсизликдан бошқа нарсага олиб бормайди.

Бахтсиз ҳодисалар барча соҳаларда учраб туради. Масалан, вилоятда ўтган йилнинг саккизи ойида ишлаб чиқариш билан боғлиқ 8 та

ҳолат қайд этилган. Улардан бири эса ўлим билан тугалган. Рақамлар тилида жуда жўн кўринган мазкур кўнгилсизликларнинг ортида қанча оиланинг изтиробини ётибди.

Бу ҳолат меҳнат муҳофазасига дахлдор ташкилотларни оёққа турғазгани ҳам бор гап. Ташкилот ва корхоналарда меҳнат муҳофазаси

мониторинглар ўтказишмоқда. Кузатилмоқда... Ўрганилмоқда... Бартараф этилмоқда. Бу биз кўнникан одатий ҳолат. Аммо, бахтсиз ҳодиса туфайли ногиронга айланган, саломатлигини тиклай олмаган ёхуд тоvon пулини ололмаган фуқаролар ҳам бор. Улардан ўнлаб мурожаатлар тушгани ҳам ҳақиқат.

лиқ қоплаб беради. Ходим манфаатини ўйлаш мумкин эмас. Шунинг учун қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган имтиёздан нега иш берувчи фойдаланмаслиги керак? Ўзини билган ҳар бир раҳбар буни тўғри англаши шарт, деб ўйлайман. Маълумотларга қўра, қурилиш соҳасида фа-

қўмитаси раиси Наби Назаров. — Тўғриси айтганда, онда-сонда бўлса-да, ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлган. Бахтсиз ҳодисага учраган ходим ва унинг оиласига белгиланган моддий ва маънавий зарар суммаси ҳам анчайин йирик. Шунинг учун йил бошидан биринчи қиладиган ишнинг ходимлар ҳаётини сўғурталаш бўлади. Бу маблағ бир кишига тўланадиган зарарнинг олдида арзимас, аммо фойдаси жуда катта.

Фалокат оёқ остида, дейишди. «FYRQAT DIL ROZIS» МЧЖ раҳбарлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳодисага тайёр эмас эди. Корхонага иш жойида хавфсизлик талабларига риоя этилмагани, ишловчиларга етарлича шароит ташкил этилмагани, соғлом ва хавфсиз меҳнат муҳити яратилмагани қимматга тушди. Баландлиқда иш бажарётган ходим Зафар Ҳайтов йиқилиб тушди. Энг ачинарлиси, корхонада ходимлар ҳаёти ҳам сўғурта қилинмаган экан. МЧЖ раҳбарлари масъулиятдан ўзларини минг олиб қочимасин, қонун барчага баробар. Улар ходимга ёки унинг оиласи аъзоларига қўрилган зарар ва тоvon пули тўлашга мажбур. Бу эса корхона раҳбарларига кўпма кўпмайдир. Чунки зарар ишлаб чиқариш жараёнига ҳам таъсир этмасдан қолмайди, албатта.

Кўриниб турибдики, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш албатта зарур.

— Корхонамиз тизимида 4 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Озгина эътиборсизлик, эҳтиётсизлик кўнгилсизлик билан тугаши мумкин, — дейди Самарқанд вилояти электр тармоқлари корхонаси касаба уюшма



Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch»

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги унга қандай ёндашилмоқда?

чүкур ўрганилди. Хавфсизлик қоидаси бўйича ўқувлар сифатига эътибор қаратилди. Давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, ҳамкорликдаги фаолият самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилди. Ҳўш, бу ишлар натижа бердимми?

— Бажарилган ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида меҳнат билан боғлиқ бахтсиз тасодиф ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 тага камайди, — дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Меҳнатни муҳофазасига қилиш бўлими мудирини Усмон Каримов. — Касаба уюшмалари ва давлат меҳнат инспекцияси меҳнат шароитларини ўрганиш юзасидан доимий кузатув ва мо-

— Мамлакатимизда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Афсусланарлиси, баъзи корхона ва ташкилот раҳбарлари ана шу қонун мазмун-моҳиятини англаб етмаётди, — дейди Усмон Каримов. — Агар ҳар бир ташкилотда мажбурий сўғурта ўз муддатига амалга оширилса, бу ташкилотга, айнан иш берувчига катта фойда беради. Ҳар бир ходим бир йилда бир маротаба ўз корхонаси томонидан сўғурта қилинади. Мабоодо, ходим билан иш вақтида бирор бир тасодифий ҳолат ёки жараҳатланиш юз берса, ташкилот сира ҳам молиявий зарар кўрмайди. Барча сарф-харажатларини сўғурта компаниялари тў-

олият юритаётган аксарият корхоналарда ана шундай ҳолат кузатилган. Ўрганилган 24 та корхонанинг бирортасида ҳам мажбурий сўғурта қилиш қондасига амал қилинмаган. Мутахассислар таъкидлашди ва тушунириши асосида уларда сўғурталаш ишлари амалга оширилган. Бандлик бошқармаси ва касаба уюшмалари ҳамкорлигида ҳудуддаги 1373 та ишлаб чиқариш жамоаларига тасвирий хатлар жўнатишган. 18 нафар мансабдор шахс жиддий огоҳлантирилган.

— Корхонамиз тизимида 4 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Озгина эътиборсизлик, эҳтиётсизлик кўнгилсизлик билан тугаши мумкин, — дейди Самарқанд вилояти электр тармоқлари корхонаси касаба уюшма



Бухоро вилояти

Зарина Рустомова – Бухоро ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактаб-интернати ўқувчилари орасида сузиш билан шўғулланаётган яқка-ю ягона спортчи. У Алишер Жалолов мураббийлигида мусобақаларга тайёрланапти. Машғулот манзили эса... Бухоро шаҳридаги «Семурғ» спорт мажмуаси. «Спорт мактаб-интернати» ўзида бассейн йўқми?!» дея асло ажаблана кўрманг. Албатта бор. 2014 йилда капитал таъмирланган, одатда май ойидан ёзнинг ўрталаригача гавжум бўладиган тузуккина ҳавза. Аммо у йил давомида икки, нари борса уч ойгина ишлапти. Чунки...

«Вагонсиз локомотив»

ёхуд бухоролик спортчиларни нима кутмоқда?

– У қишга мослаштирилмаган, – дейди маскан директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Баҳодир Шамсиев. – Залдаги иситиш қозонлари табиий газга мўлжалланган бўлиб, улардан фойдаланишимизга ҳали рухсат берилгани йўқ. Муассасамиз жойлашган «Истиклол» маҳалласи ва бошқа жойлардан кўп-кўп кишилар сузиш билан шўғулланиш ёки чўмилиш ниятида келишади. Аммо уларнинг иситкиларини йил-ўн икки ой давомида қондиришга ҳозирча имконимиз йўқ. Энг ёмони, аҳолига бу борада хизмат кўрсатиш у ёқда турсин, ўз ўқувчимизга ҳам етарлича шароит яратиш беролмаймиз.

Ҳеч кимга сир эмаски, бундай типдаги спорт мактабларининг асосий вазифаси мамлакат терма жамоалари захираси учун салоҳиятли спортчилар етиштириш саналади. Агар эртамининг ўйласак, чигалликларни ҳозирданок ечишга киришиш лозим. Аммо муаммолар ечимсиз қолаверса... Жорий йилда маскан битирувчиларидан атиги беш нафарига олий таълим муассасаларига кириш учун лицензия берилгани ҳам бежиз эмас.

катта теннис, волейбол, баскетбол, гандбол йўналишлари ҳам «сўнги мuddат»ларини «ўташяпти». Чунки, бу ерда корт йўқлигидан шаҳарнинг нариги четидида «Хумо» теннис кортига қатнаётган олти нафар теннисчи ўғил-қиз тез орада битириб кетиши, охириги йилларда янги ўқувчилар ўқишга

моқда». Оқибатда жамоавий спорт турлари бўйича сабоқ олиш истагидаги ўғил-қизлар оқими сулшиб бораётир.

Бултур августда спорт мактаб-интернати мақомини олган масканнинг бир-йўла ҳам волейболга, ҳам баскетболга, ҳам гандболга мўлжалланган залида биз гувоҳ бўлган кўйидаги манзара вазияти янада ойдинлаштиради: олти чоғли ўқувчи волейбол ўйнапти. Ахир, бу спорт турида ўн икки киши қатнашади-ку! Боз устига, ёшлар спорт меъёрларига кўра, фақат тенгқурлар ўзаро беллашиши керак. Ҳалиги ўқувчиларнинг эса ёш жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилиши шундоққина кўзга ташланиб турибди. Демак, буни машғулот деб бўлмайди.

Бокс, эркин кураш, дзюдо, таэквондо, юнон-рум кураши, бокс, бадий гимнастика, қиличбозлик бўлимлари бир маромда фаолият юритапти. Шуларнинг олдида боёги «ўғай» бўлимлар яққаланиб қолиб, мўлтираб турган болаларни ёдга солади. Ахир, улар ўз «ота»лари бўлмиш маскани чор-ночор тарқ этиш арафасида-да!

Буни қарангки, 2006 йилда ташкил топган ушбу даргоҳ ҳудуди сўнги бир-бир ярим йил ичида нақ олти ярим гек-

қабул қилинмаганини ҳисобга олсак, масала ечимини янада ачинарли тус олади.

Селекция ишлари йўлга қўйилмагани, малакали мураббийларнинг тақчиллиги, қолаверса, ота-оналар ўз фарзандларини асосан самараси ёрқинроқ ва тезроқ кўзга ташланадиган, ғалаба шўхрати ўртада «булакланмайдиган» яққалик спорт турлари жаҳлб эртаётгани юқорида тилга олинган спорт йўналишларининг «белги таъ-

Оғриқ тишлар...



Бузилиш бор-у, қурилиш йўқ... Ёхуд «Хиёбонтена» қачон обод бўлади?

«Ишонч»га жавоб берадилар

«Ишонч»га жавоб берадилар

«Ишонч» газетасининг шу йил 3 август кунги сонидида чоп этилган «Бузилиш бор-у, қурилиш йўқ...» сарлавҳали мақолага Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармаси кўйидагича муносабат билдирди:

Ҳудуд обод бўлди

Юнусобод туманидаги «Хиёбонтена» маҳалласи ҳудудидан бошқармаиз тасарруфидаги «Бўзсув» канали оқиб ўтади. Яқинда каналга туташ ҳудудлар ободонлаштирилди. Жумладан, каналнинг тўрт юз метр қисми тупроқ билан текисланиб, ободонлаштирилди ҳамда қирғоқ минтақасида хавфсизликни таъминлаш мақсадида канал бўйлаб панжара ўрнатилди.

Бош муҳандис С.Икромов



Рустам ИБРОХИМОВ, «Ишонч»



Қорақалпоғистон Республикаси

«Эгаси» йўқ шохобчалар...



Автоўлар бўйида машиналарга техник хизмат кўрсатиш ўстаханалари билан қаторда ёниги қўйиш шохобчаларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Бу яхши, албатта. Лекин айрим бензин қўйиш, пропан ва метан тўлдириш шохобчалари катта йўл бўйида ва аҳоли яшаш пунктлари ёнида қонунга зид равишда қурилмоқда.

Масалан, Хўжайли шаҳридаги Мустақиллик кўчаси бўйида жойлашган «Антанк» МЧЖ га қарашли пропан ва метан қўйиш шохобчалари

аҳоли яшайдиган уйларга жуда яқин жойлашган. Очик майдонда фаолият юритаётган шохобчада хавфсизлик талабларига ҳам тўлиқ риоя этилмапти. Сув сақлаш учун



Ортиқбой МАМУТОВ, «Ишонч»

САВОЛ: Тез орада юртимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови бўлиб ўтади. Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари борасида қонунчилигимизга янги ўзгаришлар киритилмоқда. Айтинг-чи, меъёрий ҳужжатларга асосан, озоликдан маҳрум этилган фуқаролар сайловларда иштирок этиши мумкинми? Бундан ташқари, уларга пенсия тайинланиши ҳақида эшитдим. Шу ҳақда ҳам маълумот берсангиз.

Зафар УМАРОВ Наманган вилояти



Сўраган эдингиз

Маҳкумлар ҳам сайловда қатнашадими?

ЖАВОБ: Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 4 сентябрь кунги сайловлар тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштириш бўйича қонунни имзолади. Унга мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этгани учун озоликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларида ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Эндиликда манзил-колониаларда жазони ўтаётган, озоликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган

шахсларга ҳам пенсия тайинланади. Жорий йилнинг 23 август кунги Олий Мажлис Сенатининг 21-ялпи мажлисида сенаторлар шу ҳақдаги қонунни маъқулади. Бунинг учун маҳкумлар манзил-колонида жойлашган ердаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига ариза бериши керак. Бундай шахсларга пенсия тўлови манзил-колонида жойлашган ердаги Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан маҳкумларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиш орқали тўланади.

Нафиса РУСТАМОВА, Норин тумани адлия бўлими бошлиғи

Бонг!

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдосига Бўка тумани ҳокимлигининг 20.09.2019 йилдаги 2/4-544-сонли буюртманомасига асосан Тошкент вилояти, Бўка тумани, Б.Умаров номидаги ҳудудда фаолият юритаётган «Ёш Суннатилла» фермер хўжалигидан туман захирасига олинган, қишлоқ хўжалиги харитасининг 114-, 116-, 120-, 122к – контурларида қисман жойлашган жами 4,50 гектар, шундан 4,30 гектар ер майдонидаги «Бозор» қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси – 3 182 000 сўм. Очик аукцион савдоси 2019 йил 28 октябрь кун соат 11:00да Бўка тумани ҳокимлиги биносида бўлиб ўтади. Маъмур объект шу кунги савдода сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2019 йилнинг 12-, 19 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган объектни жойига

бориб кўрсатиш талабгор ҳисобидан сотувчининг вакили томонидан амалга оширилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишуви»ни имзолагандан сўнг объект бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисоб-рақамига (банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиали, х/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301743808) тўлаши лозим. Ризлорлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМ)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозоридида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда шартномалар тузилади.

Очик аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжат-

ларни топшириши керак: – юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома; – жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Маъмур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, расмий иш кунларида соат 9:00дан 16:00гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади. Қўшимча маълумотларни www.realtorg.uz электрон манзили ёки (71) 170-78-13 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган

Эълонлар

«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «BAG'DOD PAXTA TOZALASH» АЖнинг 26.09.2019 йил кунги №16/201 сонли буюртма хатига асосан, жамиятга қарашли Олтиариқ тумани, «Ғайрат» МФЙ, Эскираб кўчасида жойлашган собиқ «Эскираб» пахта тайёрлов маскани бино ва иншоотларининг бир қисми қўйилмоқда.

Умумий ер майдони – 1900,0 кв.м. (0016-литердаги электр тармоқлари биносини). **Бошлангич баҳоси – 25 387 000 сўм.** Аукцион савдоси 2019 йилнинг 4 ноябрь кун соат 10:00 да бўлиб ўтади. Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00дан 14:00 гача тушлик). **Буюртмаларни қабул қилишининг охириги мuddати:** 2019 йил 1 ноябрь соат 16:00. **Савдога қатнашиш учун буюртма**

билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдога қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, савдога тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган

тўлов ҳужжатининг нусхаси. Савдо ғолибга аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юқлатилади.


Талабгорлар объект бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси – «Best realtor» МЧЖнинг қуйидаги ҳисобрақамига закалат келишув шартномасига асосан ўтказишлари шарт: х/р: 2020 8000 5004 3360 1001. МФО: 00445. Банк: «Капиталбанк»нинг Тошкент шаҳар филиали, СТИР: 303179580, ОКОНХ:84300.

Савдо ташкилотчисининг ва савдо ўтказиладиган жой манзили: Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават. **Телефон:** (99895)402-54-75. **Электрон манзил:** www.emulk.uz, best.fergana@mail.ru

Лицензия RR-0225.

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри корхонаси томонидан Низом Аскарлов номига Янгийўл тумани, А.Ортиқов номидаги КФЙ, «Ўзбекистон» маҳалласи, Тахтақўприк кўчаси, 66-уй учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқлигини сабабли бекор қилинади. * * * Янгийўл туманидан рўйхатдан ўтган «Biznes idea» оилавий корхонаси ўз устав жамғармасини 81 000 000 сўмдан 41 500 000 сўмга камайтирганини маълум қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Федерациянинг Мадааний-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Шухрат Дехқоновга волидаи муҳтарамаси **РЎЗИЮЛ** онанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирди. **Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши аппарат ходимлари ва бошлангич касаба уюшма ташкилотлари Кенгашининг Фарғона ва Наманган вилоятлари бўйича масъул ташкилотчиси Тойиржон Ҳамидовга опаси** **Хосиятжон ҲАМИДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.



Наим КАРИМОВ, академик

Матрифатсизлик балосига йўлиқгон бизни халқ...

байти билан бошланган шеърини ўқиб, Чўлпон билан бирга ўзи ҳам кўз ёшларини тўқди. Унинг назарида, Тавалло

Фош ўлди олам ичра, бил, эй дўстлар, аҳолимиз, Ҳайратда қолди кўрган эл бизни қилган офолимиз...

деган сатрлари билан халқнинг кўзини очишга интилаётган эди. Абдулла Қодирийда ҳам бошқа халқлар-

ди Юсуф ҳожи ўғли Отабек билан мулоқоти чоғида.

Бу ҳақ сўзлар Юсуфбек тили билан ай- тилган, аммо ўзбек халқининг яқин тарихига назар ташлаб, унинг таназулга тушиш са- бабларини англаган адабнинг сўзлари эди. Юсуфбек ҳожи фикрини давом эттириб, яна бундай сўзларни айтди: «Биз шу ҳолда ке- ладирган, бир-биримизнинг тагига сув қуя- дирган бўлсак, яқиндирки, ўрус истибодди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак, ўз қўлимиз билан кел- гуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйинди- ригини кийдирган бўлармиз». Юсуфбек ҳожи тилидан бўлса-да, бундай сўзларни боль-

беш қўлдек билиб олди. Турсуноий аянинг адабий гурунларида қатнашиш, жадид газеталарини ўқиш, «Падаркуш»ни кўриш, Мискин, Хислат, Камий, Ғулом Зафарий сингари тошкентлик шоирлар билан му- лоқотда бўлиш, «Турон» кутубхонасидаги газета, журнал ва китобларни (жумладан, Журжи Зайдон асарларини) мутолаа қи- лиш жараёнида у бадий ижод «сирла- ри»дан воқиф бўлди. Абдулла Қодирий 20-йилларнинг бошларида эса ўзида ро- ман ёзиш учун етарли ҳаётий тарихий ма- териал ва адабий куч борлигини сезди.

Китобхонларнинг «Ўтган кунлар» романи қарийб бир ўтиришда, тонг отганини билмай ўқиб битишининг сабаби шундаки, романнинг жуда кўп саҳифалари шундай Истеъдоднинг қалами ва шундай Юракнинг қони билан ёзилган.

Нақл қилишларича, кунларнинг би-

Адиб абадияти


дан орқада қолган, оғир иқтисодий, ижти- мий ва маданий аҳволда яшаётган ва- тандошларини мудроқ ҳолатдан уйғотиш орузи уйғонади ва у жадид шоирларидан ибрат олиб, ёзади:

Кўр бизнинг аҳолимиз, гафлатда қандай ётамиз, Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз...

Коримиз шундан иборат бўлди ушбу вақтда, Ўнтадин бедона боқиб, ёзу қиш сайротамиз...

Қодирий «Бахтсиз қувё» драмеси билан Беҳбудийнинг шеърлари билан эса Фитрат, Чўлпон ва Таваллолар сафига келиб қўшилган- дек бўлди. Лекин шу даврда рўй берган тари- хий воқеалар – Чор Россияси зулмига қарши кўтарилган 1916 йил кўзғолони, 1917 йил Фе- враль инқилоби, Туркистон Мухторият ҳукума- тининг барпо этилиши ва большевиклар то- монидан тор-мор қилиниб, Қўқон шаҳрининг қонга ботирилиши, 1917 йилдан кейинги та- лоўтўплар уни ўзбек халқининг тарихий тақдири тўғрисида ўйлашга мажбур этди.

Амир Темур давридаги миллий уйғониш... Ижтимоий, иқтисодий, илмий ва маданий та- раққиёт... Қудратли ўзбек салтанатининг шаҳ- зодалар ўртасида парчалана бошлаши... XVII аср охири – XVIII аср бошларида эса мил- лий таназул булутининг жаннатмонанд Тур- кистонни қуршаб олиши... Буларнинг ҳам- масига сабабчи, Қодирий назарида, «Темур Кўрагон каби дохийлар, Мирзо Бобур каби фотиҳлар, Форобий, Улуғбек ва Ибн Сино каби олимларнинг ўсиб унган ва нашъу намо қилган бир ўлкани ҳалоқат чуқурига қараб судрағучи» хонлар ва беклар эди. Агар улар айш-ишратга берилмай, халқни ота-бобо- ларни каби миллий тараққиёт, ақл ва заковат йўлидан бошлаб борганларида Туркистон Чор Россиясининг соғин сигирига айланма- ган бўларди. «Иттифоқни не эканини бил- маган, ёлғиз ўз манфати шахсийи йўлида бир-бирини еб ичкан мансабпараст, дунёпа- раст ва шухратпараст муттахамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди», – дей-



шевиклар Туркистонда ҳукмронлик қила бошлаган 20-йилларнинг бошларида айтиш катта жасорат эди.

Хуллас, Қодирий XX аср бошларида жаҳолат иқлимида яшаган халқ ва Ватан фожиясининг ижтимоий сабабларини хон ва амирларнинг мамлакатни бошқариш си- ёсатида кўради. Бу ҳақда шеърлар эмас, ро- манлар ёзиш керак, деган хулосага келади у. Лекин хали ўзбек адабиётида роман жанри яратилмаган, Туркистонда Европа андозасида ёзилган романи ўқийдиган ки- тобхон ҳам хали тўғилмаган эди. Шунинг учун Абдулла Қодирий Туркистон халқи шу вақтгача севиб ўқиб келган «Тоҳир-Зухра»лар, «Чор дарवेश»лар, «Фарҳод-Ширин»ларнинг бадий услубидан фойдалан- ган ҳолда янги тарихий-маданий даврнинг «Тоҳир-Зухра»си ва «Фарҳод-Ширин»ини ёзишга аҳд қилди.

«Агар баён қилинган фикр ва мулоҳа- заларни яқунлаб айтсак, Қодирий «Ўтган кунлар» романини ёзишга киришган ке- зларда, биринчидан, ўзбек халқи ҳаётини китоблардан эмас, балки халқнинг турли қатламлари ичидан яшаб ўрганиб, унинг танбаллигини ҳам, меҳнаткашлигини ҳам, қусурларини ҳам, фазилатларини ҳам ўз кўзи билан кўрди; халқни ташкил этган турли-туман тилларнинг гап-сўзларини, юриш-туришларини, феъл-атворларини

рида Абдулла Қодирий таклиф қилган- ларига қарамай, тунги таомга чиқмаган. Жосият биби ўғлининг шу вақтда йўғлаб ўтирганини эшитиб, унинг хонасига йўл олади. «Бибим бечора, – деб ёзади адиб- нинг фарзанди Ҳабибулла Қодирий, – сак- раб ўрнларидан туриб, дадамнинг уйига йўл олдилар. Кап-катта кишининг йўғла- шидан ҳайратга келиб, мен ҳам бибим ор- тидан эргашдим. Кирсак, дарҳақиқат, у киши юм-юм йўғлар, курсига тирсакла- ниб олиб, тўхтовсиз ёзар эдилар. Бибим дадамнинг бу ҳолига бир оз қараб тур- дилар-да, бир нарсани тушундилар ше- килли, индамай, мени бошлаб орқага қайтдилар ва ўтириб чой ича бошлади- лар. Мен бибимдан сўрадим: – Она, дадам нега йўғлаптилар?... – Дадан жинни бўлиб қолипти... – жа- воб қилдилар бибим ва бошқа сўз айтма- дилар».

Маълум бўлишича, адиб шу вақтда Ку- мушнинг ўлими саҳнасини тасвирлаётган экан. Ёзувчи қаҳрамонларнинг қувончидан қувониб, кулфатидан қуйиб, ўлимидан ўлиб асар ёзгандагина унинг асарини умрбоқий асар, унинг ўзи эса буюк ёзувчи даражасига кўтарилади.

Абдулла Қодирий шундай буюк ёзувчи эди. «Ўтган кунлар» романини ёзишга киришган ке- зларда, биринчидан, ўзбек халқи ҳаётини китоблардан эмас, балки халқнинг турли қатламлари ичидан яшаб ўрганиб, унинг танбаллигини ҳам, меҳнаткашлигини ҳам, қусурларини ҳам, фазилатларини ҳам ўз кўзи билан кўрди; халқни ташкил этган турли-туман тилларнинг гап-сўзларини, юриш-туришларини, феъл-атворларини



Рауф ПАРФИ, Ўзбекистон халқ шоири

Эй, кўнглимга йўғрилган Ватан

Дарё каби доимо уйғоқ, Интилишим тоғ қадар баланд, Олис йўлга отландим, бироқ, Меҳрим билан, муҳаббат билан, Эй, кўнглимга тугулган Ватан.

Хотиралар сўзлар ҳар бир тош, Эсдаликлар ёғди осмон. Туркистоннинг шоҳиди Қуёш Эсламакдан тинмайди ҳамон. Оҳ, Туркистон, Она Туркистон!

Чақиради тоғлар, дарёлар, Яна йўлга чорлайди мени. Мени чорлаб қуёшлар ёнар – Ўрганадир ёниш илмини. Чақиради тоғлар, дарёлар.

Ҳали олдда қанчалар доvon, Утгунимча то уни босиб, Сўзла, наҳот битадир дармон Кўларимнинг тугар зиёси?! Ҳали олдда қанчалар доvon...

Оҳ, Туркистон энг ачиқ бўса Каби лабларимда уриндинг. Мен олисга отландим бўлсам Кўнглим ярақ бўлиб кўриндинг. Оҳ, Туркистон, Она Туркистон!

Дарё каби доимо уйғоқ, Интилишим тоғ қадар баланд, Олис йўлга отландим, бироқ, Сенга бўлган садоқат билан, Эй, кўнглимга йўғрилган Ватан.

Бобом берган тиллолар

Ёш бола эдим. Беш-олти ёшларда. Бир кунни уйга шошиб кирдим. Бобом ўтирарди. Менга қаради-да:

- Нима йўқотдинг, болам, – деди. Атрофга қарайман, чўнтақларимни ковлайман – ҳамма нарсам жойида. – Ҳеч нима, – дедим. – Йўқ, болам, ниманидир йўқотдинг, топиб кел, – деди.

Индасдан ташқарига чиқдим. Узоқ ўйландим. Ҳеч нарса йўқотмаганман. Охири эшикни ёричиллатиб очиб, ич- карига юздандим. Бобом естиққа ёнбо- шлаганча ётибди. Менга ўткир нигоҳи билан юзданди:

- Топдингми? Мен эса ерга қараганча совқотган қўлларимни ишқалаб, ерга қараб турар- дим. Бобом яна эшикни кўрсатди... Эшик ортда уйланиб турганимда ичкари- дан энам чиқиб келди. Бошини бироз пас- тлаганча, «Уйга киратганда салом бермадинг» дея қўлигимга пичирлади.

Тилло топиб олгандек, оғзим ку- лоғимда остана хатлабоқ бобомга қа- рата:

- Ҳессаломалайкум, – дедим. Бобом эса: – Ҳессаломалайкум эмас, Ассалому алайкум, дейилади, болам, – дея хатомни тўғрилди...

Бобом берган бу «тилло»лар менга бир умрга асқотмоқда.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлари: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Тахрират ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001. АТИБ «Ispetka bank» Яншобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон – (+998-99) 889-90-23 Бўхоро – (+998-99) 889-90-31 Жиззах – (+998-99) 889-90-34 Наманган – (+998-99) 889-98-02 Навоий – (+998-99) 889-90-28 Тошкент – (+998-99) 889-90-25 Самарқанд – (+998-99) 889-90-26 Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32 Фарғона – (+998-99) 889-90-24 Хоразм – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нуктадан назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев Мусаҳҳих: С. Шодиева Саҳифаловчи: Х. Абдужалилов ЎА яқини – 21:25 Топширилди – 22:25 Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Ғ – 917. 28020 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133